

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

АБДУРАИМОВА ДИЛБАР АЙБЕКОВНА

**СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИҚДА РЕСУРСТЕЖАМҚОР СУВ КЎТАРИШ
ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.02–Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) and technical
sciences**

Абдураимова Дилбар Айбековна

Суғорма дехкончиликда ресурстежамкор сув кўтариш қурилмаларининг
ҳисобини такомиллаштириш..... 3

Абдураимова Дилбар Айбековна

Совершенствование методов расчета ресурсосберегающих
водоподъемников в орошаемом земледелии..... 21

Abduraimova Dilbar Aybekovna

Improvement of methods of calculation of resource-saving water-lifters in
irrigated agriculture 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 40

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

АБДУРАИМОВА ДИЛБАР АЙБЕКОВНА

**СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИҚДА РЕСУРСТЕЖАМКОР СУВ КЎТАРИШ
КУРИЛМАЛАРИНИНГ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.02–Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Техника фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Т845 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзажанов Қирғизбой

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори,
профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Рахимов Шавкат Хударгенович

техника фанлари доктори, профессор

Шеров Анвар Ғуломович

техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

”UzGIP” МЧЖ

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «___» _____ 2018 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-22-09; Факс: (99871) 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___) рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-19-45

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.З.Султонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

А.А.Янгиев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

А.Т.Салохиддинов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда жаҳонда ресурс тежамкор технологияларни суғорма деҳқончиликда фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишда сув узатиш ва кўтариш қурилмаларини ҳисобини такомиллаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада етакчи мамлакатларда, жумладан АҚШ, Канада, Россия, Германия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа ривожланган давлатларда ресурстежамкор техника ва технологияларни қишлоқ ва сув хўжалигида фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Сув хўжалигида ўтказилаётган ислохотлар замирида сувдан фойдаланишнинг бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, илғор технологияларни кўллаб истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлаш, сув ресурсларидан фойдаланишда ресурс тежамкор мини технологияларни илмий асосларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жаҳонда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғорма деҳқончиликда ресурс тежамкор сув кўтаргич қурилмаларнинг конструктив параметрлари ва уларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш, сувни тежаш технологияларини ва улчаш воситаларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан сув узатиш мосламаларини, сув кўтаргичлар ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, янги конструкцияларини ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга суғориш майдонларига сувни етказиб беришда кам энергия сарфлайдиган замонавий сув кўтаргич қурилмаларнинг конструктив параметрларини такомиллаштириш, суғориш тармоқларидан сув олишни яхшилаш ва сувдан тежамкорона фойдаланишни таъминлашда сув узатиш ва кўтариш техника ва технологияларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда.

Республикамизда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида ерларнинг суғоришда ресурстежамкор сув узатиш ва кўтариш қўрилмаларидан самарали фойдаланиш, фермер хўжалиklarининг суғориладиган майдонларига сувни узатиб беришда техника ва технологияларнинг ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурс тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш...»¹ вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан суғорма деҳқончиликда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

ресурстежамкор сув узатиш ва кўтариш қурилмаларидан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш, сув узатиш ва кўтаришда оқим энергиясидан фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш асосида энергия тежамкорликка эришиш, соҳани сув билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 27 ноябрдаги ПФ-3405-сон «2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 февралдаги 74-сон «2018 йилда экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш ва сув танқислигини салбий оқибатларини олдини олишга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарор ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув ва қишлоқ хўжалигида сув узатиш ва кўтариш қурилмаларининг назарий асосларини ишлаб чиқишда ҳамда иш режимини такомиллаштиришда И.П. Грибанов, А.Н. Костяков, Н.А.Ржаницын, А. Лаврентьев, А.А. Черкасов, Г. Цейнер, Е.Я.Соколов, Т.М.Башта, Я.М.Вильнер, Б.Б.Некрасов, Г.И.Кривченко, Н.М. Зингер, А.П. Исаев, К.Ш.Латипов, Ш.Х. Рахимов, О.Я.Гловацкий, М. Мухаммадиев, М.Мамажонов ва бошқа қатор олимлар томонидан кенг қамровли изланишлар олиб борилган.

Кичик напорли сув кўтариш ва узатиш қурилмаларининг конструктив параметрларини такомиллаштириш муаммолари бўйича О.Я.Гловацкий, А.М.Арифжанов, М.М. Мухаммадиев, В.А. Хохлов, Б.Шокиров, В.А. Зенкова, А. Фатхуллаев, К.Т.Рахимов ва бошқалар томонидан изланишлар олиб борилган. Суғорма деҳқончиликда сув ўлчаш, узатиш ва кўтариш техника ва технологиялардан И. Грибанов, А.Костяков, Қ.Мирзажонов, Г.А.Безбородов, Б.С.Серикбаев, Е.В.Кузнецов, Ш.Х.Рахимов, Ш.Нурматов, М.Хамидов, Ф.А.Бараев, Р.Икрамов, А.Салохиддинов, А.Шеров ва бошқаларнинг ишланмалари қулланиб келинмоқда.

Бугунги кунда шунга қарамасдан суғорма деҳқончиликда ресурс тежамкор, инновацион технологияларга асосланган сув узатиш ва кўтариш техникаларни такомиллаштириш ва янгисини яратиш масаласи ўз ечимини кутаётган муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация иши бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №1.8 - Сув танқислиги шароитида гидромелиоратив тизимлардан ва сув омборлар (гидроузеллар)дан фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш (2012-2015); №КХА-7-071 - «Дарё чўкиндиларини бошқарувчи иншоотларнинг самарали конструктив параметрларини ишлаб чиқиш» (2012-2014); №Х/Ш-13/2013 - «Тўпаланг сув омборининг дренаж системасини яхшилаш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш» (2013); №Х/Ш-2015 - «Тошкент магистрал каналининг гидравлик самарадорлиги ва эксплуатацион ишончлилигини ошириш технологияларини ишлаб чиқиш» мавзулари лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғорма деҳқончиликда ресурстежамкор паст напорли сув кўтаргичларни конструктив параметрларини такомиллаштириш ва ҳисоблаш усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғорма деҳқончиликда паст напорли сув кўтаргичлардан фойдаланиш имкониятлари ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш;

суғорма деҳқончиликда ресурс тежамкор струяли сув кўтаргичларнинг конструктив параметрларини такомиллаштириш;

ресурс тежамкор сифонли сув кўтаргичлар ва сифон сув ўлчаш ускунасининг ишлаш режимини ишлаб чиқиш;

ресурс тежамкор паст напорли сув кўтаргичлардан суғорма деҳқончиликда самарали фойдаланишни илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилояти ҳудудидаги экин майдонларини сув билан таъминлашда фойдаланаётган ресурс тежамкор сув кўтариш техника ва технологиялари.

Тадқиқотнинг предмети суғорма деҳқончиликда фойдаланаётган ресурс тежамкор техника ва технологиялар, сув кўтаргичларда оқим ҳаракатининг динамикаси ҳамда сув ўлчаш ускунасининг техник воситалари

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқот жараёнида мелиорация ва суғорма деҳқончиликда умум қабул қилинган услублардан, механиканинг қонунлари асосида математик моделлар тузиш ҳамда тажриба маълумотларини қайта ишлашда математик статистика услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғориш майдонларини сув билан таъминлашда қўлланиладиган ресурс тежамкор струяли сув кўтаргичнинг янги конструкцияси ва уни ҳисоблаш усуллари оқимнинг сув кўтаргич камераларидаги ҳаракат қонуниятларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

суғорма деҳқончиликда ресурс тежамкор сифонли сув кўтаргич қурилмаси оқим гидродинамик параметрларининг ўзгаришини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган;

нов суғориш тармоқларидан сифон орқали сув олишни яхшилаш ва сувдан тежамкорона фойдаланишни таъминлайдиган сифонли сув узатиш

қурилмасининг конструкцияси ва уни ҳисоблаш усуллари қувурлардаги босим ўзгаришларини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган;

сув ресурсларидан самарали фойдаланишда ресурс тежамкор сув кўтариш қурилмаси, конструктив параметрлари ва уларни ҳисоблаш усуллари оқимнинг потенциал энергиясини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

суғориш майдонларини сув билан таъминлашда оқим потенциал энергиясидан фойдаланиб суғорма деҳқончиликда ресурс тежамкор струяли сув кўтаргичнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган, ишчи характеристикаси тузилган ва ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

суғоришда фойдаланиш учун энергия тежовчи сифонли сув кўтаргич қурилмаси яратилган, конструктив параметрлари асосланган ва ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

суғориш тармоқларидан, нов ариқлардан сув олишда сифоннинг конструкцияси такомиллаштирилган ва сув сарфини аниқ баҳолаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишлаб чиқилган назарий ишланмаларнинг механика қонунларига мослиги ва математик статистика услублардан фойдаланганлиги, ҳисобланган қийматларнинг тажрибада олинган қийматлар билан қиёсий солиштирилганлигида бир бирига яқинлиги ҳамда таклиф этилган ишланмаларга патентлар олинганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти суғорма деҳқончиликда ресурс тежамкор сув кўтариш қурилмаларини ишлаб чиқишда оқим ҳаракати қонуниятларини инобатга олиб сув кўтаргичларнинг янги конструкцияларининг яратилганлиги, параметрларининг асосланганлиги ҳамда сув кўтаргичларда оқим сарфи ва напори орасидаги боғланишларни аниқланганлиги ҳамда ресурс тежамкор сув кўтаргичларни ҳисоблаш методлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти суғорма деҳқончиликда инновацион технологияларга асосланган ресурс тежамкор сув кўтариш техника ва технологияларни яратилганлиги, сув сарфини ва напорини миқдор кўрсаткичларини юқори аниқликда баҳолаши, яратилган сув ўлчаш мосламаси билан сувдан тежамкорона фойдаланиши билан изоҳланади. Тадқиқот натижалари, шунингдек, олий таълим йўналишидаги мос соҳалар бўйича мутахассисларни тайёрлашда ўқув жараёнида қўлланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғорма деҳқончиликда ресурс тежамкор сув кўтариш қурилмаларининг ҳисобини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

суғорма деҳқончиликда оқимнинг энергетик қонуниятларидан фойдаланган ҳолда сув кўтариш қурилмасига Интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали моделга патент олинган («Оқимчали насос» №FAP 01137-2013 й). Натижада янги ишлаб чиқилган струяли сув кўтаргич орқали суғориладиган майдонларга ресурс тежамкор сув узатиш имкони яратилган;

суғорма деҳқончиликда кичик напорли сифонли сув кўтариш мосламасининг янги конструкциясига Интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали моделга патент олинган («Сув кўтаргич» №FAP 00733-2012 й). Натижада янги ишлаб чиқилган сув кўтаргичдан суғориладиган майдонларга оқимнинг энергиясидан фойдаланиб сув кўтариш ва узатиш имкони яратилган;

суғорма деҳқончиликда қўлланадиган нов ариқлардан сув олишни такомиллаштириш бўйича сифоннинг янги конструкциясига Интеллектуал мулк агентлиги томонидан фойдали моделга патент олинган («Пастдан юқорига сув узатувчи кучма сифон» №FAP 001218-2017 й). Натижада янги ишлаб чиқилган сифонли сув олиш қурилмаси сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ҳудудидаги нов ариқлардан сув олиш ва унинг микдорини юқори аниқликда ўлчаш имкони яратилган ;

ресурс тежамкор технологияларга асосланган сув кўтариш ва узатиш қурилмаларининг такомиллаштирилган ҳисоблаш усулларидан Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги бошқармалар, хусусан Тўпаланг сув омбори бошқармаси гидроузелининг дренаж кудуқларидаги фильтрация сувини узатиш ва Тошкент вилоятида “Чинобод-Косимов-Шавкат” фермер хўжалигида, Тошкент канали ҳудудида сув узатиш ва сарфни аниқлашда жорий қилинган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 19 июндаги 03/18-308- сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида сарфланадиган энергиянинг 15-25%га тежалиши ва сув кўтаргич қурилмаларининг иш унумининг 10-15%га ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари халқаро ва республика миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий – амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, жумладан 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган ва 3 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг зарурлиги ва долзарблиги асосланган, илмий изланишларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилиб, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиб берилган. Олинган натижаларнинг

назарий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ҳақида маълумотлар диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Суғорма деҳқончиликда сув кўтариш қурилмалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари таҳлили”** деб номланган биринчи бобида суғорма деҳқончиликда фойдаланилаётган сув кўтариш қурилмаларининг иш режими, конструктив параметрлари ва улардан фойдаланиш имкониятлари таҳлил этилган.

Маълумки бошланғич даврларда сув билан таъминлашда ёки етказиб беришда оддий механизмлардан: сув кўтаргич ғилдираклардан, чўмичли новлардан фойдаланишган ва бошқалар.. Кейинчалик эса Архимед винти (эрадан олдинги 212 йиллар), поршенли насослар (XII аср), марказдан қочма насослар (XVIII) пайдо бўлган ва халқ хўжалигида кенг ишлатилган. Насослар ва сув билан таъминлашда ишлатиладиган машина ва қурилмаларнинг янги авлодини яратиш ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш бутун жаҳонда XX асрга тўғри келади. Хозирги пайтда сув билан таъминлаш тизими комплекс қурилмалардан иборат бўлиб, улар таркибида сувни кўтариб бериш қурилмалари алоҳида ўрин тутаяди. Хозирги пайтда суғорма деҳқончиликда сувни кўтариб беришда ишлатиладиган сув кўтаргич қурилмалар қаторига оқимчали қурилмалар, эрлифтлар, тасмали ва шнурли сув кўтаргичлар ва бошқа қурилмаларини кўрсатиш мумкин.. Уларни самарали ва фойдали ишлаши учун электродвигателдан фойдаланилади ва ишлаши учун кўп энергия сарфлайди. Бундан ташқари уларнинг тузилиши нисбатан мураккаб металл ва материал сифими кўп. Шу жиҳатдан улар энергия ва ресурс ҳажмдордир. Кичик напорли сув кўтаргичлар ва уларнинг халқ хўжалигида кулланиши бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг аналитик таҳлили асосида ресурс тежамкор мосламаларни ишлаб чиқишда оқим ҳаракати қонуниятига асосланган ҳолда ишлаб чиқиш унумли натижалар бераётганлиги қайд этилди. Суғорма деҳқончиликда ресурс тежамкор, конструкцияси нисбатан содда ҳамда ташқаридан алоҳида энергия манбаларига кам эҳтиёжли сув кўтаргичлардан фойдаланиш самарадорлиги баҳоланди. Суғорма деҳқончиликда сув кўтаргичлар ёрдамида сув узатиш имконияти оқим энергиясини ўзгартириш билан амалга ошириладиган жараёнлар бўлиб, оқимнинг тезлик напори; оқим босимининг ўзгариши ва вакуум ҳосил қила олиш қобилияти билан боғлиқлиги эътироф этилди. Изланишларни бу йўналишда давом эттиришда кўрсатиб ўтилган параметрларга асосланиш лозимлиги асосланди.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили бўйича оқим энергиясидан фойдаланиб оқим босимини ўзгартириш имконияти мавжудлиги асосида диссертациянинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинди.

Диссертациянинг **“Суғорма деҳқончиликда ресурс тежамкор сув кўтаргичларнинг ишлаш принциплари тадқиқоти”** деб номланган иккинчи бобида струяли сув кўтаргичлардан суғорма деҳқончиликда фойдаланиши асосланган. Коллектор, зовур сувлари ва дренаж қудуқларидан сув кўтаргич ёрдамида сувларни узатиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Сув кўтаргичнинг параметрларини асослашда лаборатория тадқиқотлари натижалари келтирилган. Струяли сув кўтаргичларнинг параметрларини аниқлашда қурилмада оқим ҳаракати қонуниятлари, жумладан ҳаракат миқдорини ўзгариши ҳамда оқим кинетик энергиясини ўзгариши ҳақидаги қонуниятлардан фойдаланган ҳолда, бу йўналишдаги қатор олимларнинг ишланмаларига асосланиб, қуйидаги ҳисобий параметрларни аниқлаш методларидан фойдаланилди. Келтирилган струяли сув кўтаргичнинг схемаси учун ишчи напор - сув кўтаргич мосламани ишга туширувчи манба, ишчи камеранинг кириш (1-1) ва чиқиш (2-2) қисмидаги напорлар фарқи асосида аниқланди: (1-расм)



1- расм. Струяли сув кўтаргич қурилмасининг схемаси.

1-ишчи суюқлик қувури; 2-актив найча (сопло); 3-сув келтирувчи қувур;
4-қабул камераси; 5-оқимларнинг аралашши камераси; 6- диффузор; 7-гайка;
8-улашиш қисми

$$H_p = \frac{p_1}{\gamma} + \frac{v_1^2}{2g} - \frac{p_2}{\gamma} - \frac{v_2^2}{2g}, \quad (1)$$

бу ерда: $\frac{p_1}{\gamma}, \frac{p_2}{\gamma}$ - мос равишда 1-1 ва 2-2 кесимлардаги босим баландликлари;

$\frac{v_1^2}{2g}, \frac{v_2^2}{2g}$ - мос равишда 1-1 ва 2-2 кесимлардаги тезлик напорлари.

Сув кўтаргич мосламасида ҳосил қилинадиган напор:

$$H_{\kappa} = \frac{p_2}{\gamma} + \frac{v_2^2}{2g} - \frac{p_3}{\gamma} - \frac{v_3^2}{2g} \quad (2)$$

Ишчи оқим сарфи:

$$Q_1 = \mathcal{G}_1 \cdot \omega_1 = \mathcal{G}_1 \cdot \frac{\pi}{4} \cdot d_1^2 \quad (3)$$

бу ерда: d_1 - соплонинг чиқиш қисмининг диаметри;
Узатилаётган сув сарфи:

$$Q_3 = \mathcal{G}_3 \cdot \omega_3 = \mathcal{G}_3 \cdot \frac{\pi(d_0^2 - d_1^2)}{2}, \quad (4)$$

бу ерда: d_0 - оқимларни аралаштириш камерасининг диаметри;

Бу турдаги сув кўтаргичларда гидравлик қаршилиқлар ҳисобига энергия йўқолишлари кўп бўлади.

Напор йўқолишлари оқимларнинг қўшилиш жараёнида, сув кўтаргич ишчи қисмининг деворларида ишқаланиш ҳисобига ҳамда оқим кинетик энергиясини камайтириш натижасида (диффузорда) юзага келади.

Моделлаштириш талаблари асосида жараёни ўрганишда асосий параметрларни ўлчов бирликларсиз шаклида ёзамиз. Юқорида келтирилган (1, 2, 3,4) тенгламалар системасини биргаликда ечиб таҳлил учун қулай бўлган ифодаларни оламиз. Бу параметрлар.

Нисбий напор:
$$H = \frac{H_{\kappa}}{H_{\kappa} + H_p} \quad (5)$$

Нисбий сарф (инжекция коэффициенти):
$$q = \frac{Q_3}{Q_1} \quad (6)$$


Юқорида келтирилган параметрларнинг оптимал қийматларини аниқлашда лаборатория шароитида изланишлар олиб боришни тақозо этди

Олиб борилган изланишлар асосида, струяли сув кўтаргич мосламанинг лаборатория шароитида ишлаш режими ўрганилди. Струяли сув кўтаргичнинг иш унумдорлиги оқимнинг камералардаги ҳаракати билан боғлиқ. Соплодан чиқаётган оқимнинг учиш узунлиги (L) асосида струяли сув кўтаргичнинг конструктив параметрлари аниқланади. Оқимнинг учиш узунлиги инжекция коэффициенти билан боғлиқ. Демак, инжекция жараёни ўзгариши билан струяли сув кўтаргичнинг конструкциясини ўзгартириш керак бўлади.

Бу камчиликни олдини олиш учун янги таклиф этилган струяли сув кўтаргичдаги соплови ҳолатини бошқариш қилиб ясаш кераклиги асосланган.

Буни амалга ошириш учун струяли сув кўтаргичнинг қабул қилиш камерасига махсус гайка ўрнатилган ва соплони камера билан боғловчи резьба очилган. Киритилган конструктив ўзгартиришлар ҳисобига соплони камерада ҳолатини ўзгартиришга ва (L) масофани ўрнатиш имкониятига эга булдик. Олиб борилган изланишларда струяли сув кўтаргич мосламанинг оптимал режимда ишлаши учун қурилманинг конструкцияси такомиллаштирилди.

Тажрибалар сув кўтарувчи мосламанинг оптимал параметрларини аниқлашга қаратилган бўлиб, актив найча ва аралаштирувчи камера орасидаги масофа (L) ни ҳар хил қийматлари учун сув кўтаргичнинг гидравлик параметрларини аниқлаш бўйича ўлчов ишлари олиб борилди. Тажрибаларда узатилаётган сув сарфини энг юқори қийматига эришиш ҳолатлари ўрганилди.




2-расм. Струяли сув кўтаргичнинг иш режими аниқлашга доир график

Натижалар 2-расмда келтирилган. Графикда инжекция коэффициентининг напорга боғлиқ равишда ўзгаришидан кўринадики, маълум қийматларда инжекция коэффициенти энг юқори миқдорларга яқинлашади. Оптимал режимда ишлаш параметри тажриба натижалари бўйича инжекция коэффициентининг 0,64-0,78 оралиғидаги қийматларига тўғри келмоқда. Узатилаётган сув сарфининг юқори қийматлари сув кўтаргичнинг оптимал ишлаш режими сифатида қабул қилинди.

Лаборатория тадқиқотлари натижаларининг статистик таҳлили асосида (корреляция коэффициенти $r=0,95$) таклиф этилган струяли сув кўтаргичнинг оптимал параметрлари аниқланди (3-расм). Олиб борилган изланишлар асосида

олинган маълумотлар бўйича оқимнинг учини узунлигини аниқлаш учун янги боғланиш олинди:

$$L/d = 2,71 \cdot q + 0,78 \quad (7)$$



3-расм. Струянинг узунлигини инжекция коэффициентига боғлиқ графиги

Олиб борилган изланишлар асосида струяли сув кўтаргичнинг янги конструкцияси таклиф этилди ва Интеллектуал мулк агентлигининг патенти (FAP 01137) олинди.

Олиб борилган изланишлар натижаси Тошкент вилояти худудида жойлашган “Чинобод-Косимов-Шавкат” фермер хўжалигида экин майдонларга сув узатишда қўллаш учун тавсиялар берилди.

Диссертациянинг **“Суғорма деҳқончиликда сифонли сув кўтаргичларнинг ҳисоблаш методлари”** деб номланган учинчи бобида оқимнинг қувурларда ҳаракати давомида энергиясининг ўзгаришидан фойдаланган ҳолда сув кўтариш ва узатиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Суғорма деҳқончиликда турли хил сув кўтаргичлардан фойдаланилади. Юқорида баён этилганидек бу сув кўтаргичлардан фойдаланиш учун ташқаридан энергия манбаларидан фойдаланиш лозим бўлади. Таклиф этилаётган сифонли сув кўтаргичда, сув кўтариш жараёни оқимнинг энергиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Мазкур сув кўтаргич

моҳияти оқимнинг вакуум ҳосил қилиш қобилиятидан фойдаланиб амалга оширилиши асосланган.

Қурилманинг ўзига хос томони шундан иборатки, сув кўтариш учун ташқаридан алоҳида энергия манбаига зарурат қолмайди.

Маълумки сувнинг баландликга кўтарилиши босим ўзгариши билан боғлиқ. Қурилмада сифон қувур ишга туширилганда унинг пасайиб боровчи тармоғида сув босимининг доимий равишда паст бўлиши ҳаво сўриш қувури уланган жойда ҳамда сув йиғиладиган идиш ичида ҳавонинг сўрилиши вакуум ҳосил бўлишига сабаб бўлади ва натижада сувнинг сув манбаидан сув йиғиладиган идишга сўрилиши, яъни сувнинг идишга кўтарилиши таъминланади.

Сифонли сув кўтаргичнинг иш режимини ва ҳисоблаш усулини ишлаб чиқишда гидромеханиканинг қонуниятлари, жумладан энергиянинг сақланиш қонунидан фойдаландик. Умумий кўринишда dV ҳажмдаги суюқлик учун энергиянинг сақланиш қонунини қуйидаги тенглама орқали ифодалаш мумкин:

$$d\mathcal{E} = \int_{\omega} \bar{P}_n d\omega dl + \int_V \bar{F} \rho dV dl + \int_V \rho g dV dt \quad (8)$$

бу ерда: $d\mathcal{E}$ -суюқлик энергиясининг ўзгариши;

$\int_{\omega} \bar{P}_n d\omega dl$ - юза кучларининг умумий бажарган иши; $\int_V \bar{F} \rho dV dl$ - масса кучларининг умумий бажарган иши; $\int_V \rho g dV dt$ - энергиянинг ички кучлар таъсирида камайиши;

dl -суюқликнинг силжиш масофаси.


Бир ўлчамли барқарор ҳаракат учун масса кучларидан фақат оғирлик кучини, юза кучларидан босим ва ишқаланиш кучларини инобатга олиб тенгламадан сифонли сув кўтаргичнинг параметрларини аниқлаймиз.

Маълум математик ўзгартиришлардан сўнг, сифонли сув кўтаргич орқали узатилаётган сарфни аниқлашга қуйидаги ҳисоблаш ифодаси олинди:

$$Q = \omega \cdot \frac{1}{\sqrt{\xi_c}} \sqrt{2g \left(\frac{P_3}{\gamma} - H \right)} \quad (9)$$

бунда: H -сувни кўтарилиш баландлиги; $\frac{P_3}{\gamma}$ - идишдаги босим баландлиги; ξ_c -системанинг қаршилик коэффиценти.

Сифонли сув кўтаргичнинг иш режимини ўрганиш ва конструкциясини такомиллаштириш бўйича лабораторияда тадқиқотлари ўтказилди. Лабораторияда ўтказилган тажрибаларда олинган маълумотлар математик статистика методлари асосида таҳлил этилди. Тажрибалар натижасида (корреляция коэффиценти $r=0,93$ га тенг) олинган қийматлар асосида сифонли сув кўтаргичнинг напор характеристикаси қурилди (4-расм).



4-расм. Сифонли сув кўтаргичнинг напор характеристикаси

Сифонли сув кўтаргичлар орқали сув узатишда, сув кўтариш баландлигини сув сарфига боғлиқлигини ҳисоблаш формуласи таклиф этилди:

$$H = 0,523Q^{-0,22} \quad (10)$$

Олинган натижалар таклиф этилаётган қурилма орқали сувни маълум баландликка кўтариш имкониятига эга эканлиги асосланди.

Ишлаб чиқилган қурилмага интеллектуал мулк агентлиги патенти олинди (Патент UZ FAP 00733).


Ҳозирги вақтда, асосан хўжалик ички суғориш тармоқлари нов ва қувурлар билан жихозланмоқда. Бу ҳолатда сув исрофгарчилиги 96-98% гача камайибгина қолмасдан, бу тизимларда ҳосил қилинадиган босимдан қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда фойдаланиш мумкин. Новлардан тўғри фойдаланилганда улар узоқ муддат хизмат қилиши мумкин.

Сифонли сув узатиш қурилмаларини суғорма деҳқончиликда қўллаш йўналишида олиб борилган изланишлар нов ариқлардан сифон орқали сув олиш тизимини такомиллаштиришга асос бўлди. Ҳозирги маҳаллий ва хориждан келтирилган сув ўлчаш қурилмалардан суғорма деҳқончиликда фойдаланишда маълум қийинчиликлар мавжуд. Буларнинг сабаби сув ўлчаш аниқлигининг пастлиги сув ўлчаш жойлари электр билан таъминланмаганлиги, мосламаларнинг қимматлиги ва фойдаланишда мураккаблигидадур.

Сув хўжалигида ўтказилаётган ислохотлар замирида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни ташкил этишда биринчи навбатда СИУ ва


фермер хўжаликлари ҳудудида гидромелиоратив тармоқларда сувни бошқариш, тақсимлаш ва ҳисобга олиш мосламалари билан жиҳозланиши керак бўлса, иккинчи навбатда ўлчов-қўзатув ишларини ташкил этишда замонавий мосламаларини ишлатиш бўйича аниқ тавсиялар лозимлиги нуқтаи назаридан тадқиқотлар олиб борилди. Ҳозирда сув ўлчаш мосламаларига қатор талаблар қўйилмоқда, жумладан ҳар хил сув узатиш шароитларда ишончли ва юқори аниқликда сув ўлчаш мосламаларига ташқи таъсирларсиз фойдаланиш, тезкор сув ўлчаш имкониятига эга ва доимий назорат қилиш мумкинлиги талаб қилинмоқда.

Нов ариқлардан сув олиш тизимини яхшилаш сувнинг беҳуда исрофини камайтириш мақсадида турли хил гидравлик элементларга эга бўлган сифонлардан фойдаланиш мумкин. Бугунги кунга келиб эса турли хил маҳаллий усуллардан фойдаланиб нов ариқларнинг конструкцион параметрларига зарар етказиш орқали сув олиш ҳолатлари кузатилмоқда. Шу билан бир қаторда олинаётган сувнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб бориш анча мураккаб масала бўлиб қолмоқда. Ушбу камчиликларни бартараф этиш фақатгина сув олиш қурилмаларини такомиллаштириш ва ушбу қурилмалар ёрдамида олинаётган сувнинг ҳисоб-китобини юритиш имкониятларини яратиш орқали эришиш мумкинлиги тадқиқотларда асосланди. Лабораторияда ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган нов ариқларда ўтказилган тадқиқотларда, сифон қувурларнинг оптимал параметрларини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар асосида сифон қувурнинг янги конструкцияси яратилди (5-расм) ва ҳисоблаш методи такомиллаштирилди.



5-расм. Кўчма сифон сув ўлчагич схемаси
*1-сифон қувур; 2-ҳаво бўшатиш қалпоғи; 3-вакуумметр;
 4-винт; 5-нов (лоток)*

Сифон қувур ёрдамида сув олиш билан бир қаторда олинаётган сувнинг ҳақиқий миқдорини аниқлаш мақсадида унинг юқори қисмига вакуумметр ўрнатилиб, вакуумметр кўрсатишининг сарфга боғлиқлик $Q = f(P)$ графиги тузилди (6-расм).



6-расм. Сув сарфини аниқлаш учун $Q = f(P)$ графиги

Олиб борилган тадқиқотлар асосида кўчма сифон сув ўлчагич учун интеллектуал мулк агентлигининг патенти (Патент UZ FAP 01218) олинди. Ушбу қурилмани СИУ ва фермер хўжаликлари нов ариқли суғориш тармоқларида жорий этиш орқали сув олиш тизими ва олинаётган сувнинг ҳақиқий миқдорини аниқ баҳолаш ва полиэтилен қувурдан тайёрланганлиги узоқ муддат эксплуатация қилиш имкониятини яратади. Шу билан бир қаторда қурилма олиб юришга мўлжалланган бўлиб деярли барча сув олиш жойида ўрнатилиб сув истеъмолчининг талабига мос равишда, аниқ миқдорда сув ажратиш бериш имконияти мавжуд.

Диссертациянинг “Тадқиқотлар натижаларини амалиётда қўллаш бўйича тавсиялар” деб номланган тўртинчи бобида таклиф этилган сув кўтаргичларнинг ҳисоблаш методлари келтирилган ҳамда ишлаб чиқилган сув кўтаргичлардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган.

Сув кўтаргич қурилмаларнинг конструкциясини соддалиги, уни ишга туширишда энергетик воситалар ўрнига суюқлик оқимининг энергиясидан фойдаланиш, энергияни тежаш ва қурилманинг иш унумини оширишга олиб келиши асосланган.

Тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш натижасида иқтисодий самарадорлик, сув кўтаришда оқим энергиясидан фойдаланиб энергия тежаш ҳисобига эришилганлиги асосланган. Сув истеъмолчиларини қулай, энергия тежовчи сув кўтаргичлар билан таъминлаш, кам энергия сарфлаб керакли сув миқдорига эга бўлиш имкониятини беради. Тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш бўйича кутилаётган иқтисодий самарадорлик 27 млн.сўмни ташкил этди. Тадқиқот натижаларининг алоҳида қисмлари ўқув жараёнида жорий этилмоқда .

ХУЛОСАЛАР

“Суғорма деҳқончиликда ресурс тежамкор сув кўтариш қурилмаларининг ҳисобини такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Суғорма деҳқончиликда фойдаланаётган энергия ва ресурс тежамкорлик йўналишида ишлаб чиқилган сув кўтаргич қурилмалар турли конструкцияларга эга бўлиб, уларни такомиллаштиришда оқим ҳаракати қонуниятларини инобатга олган ҳолда, оқим энергиясидан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга ошириш имконияти асосланди. Натижада инновацион характерга эга сув кўтариш қурилмаларга асос яратилди.

2. Сув кўтаргичлар турлари, конструкциялари ҳамда технологик иш жараёнларини ўрганиш натижасида конструкцияларининг мураккаблиги, иш қобилияти, унуми ҳамда фойдали иш коэффициенти нисбатан пастлиги таҳлил этилиб, назарий изланишлар ва лаборатория тажрибалари асосида струяли сув кўтаргичнинг энергия ва ресурс тежамкор конструкцияси яратилди ва интеллектуал мулк агентлигининг патенти (Патент FAP 01137) олинди.

3. Лаборатория тадқиқотлари натижаларининг статистик таҳлили асосида сув кўтаргич сарфига боғлиқ равишда оқимнинг учиш узунлигини ҳисоблаш бўйича янги формула олинди ва натижада сув кўтаргичнинг янги конструкциясини яратиш имконини берди.

4. Оқимнинг қувурлардаги ҳаракат қонунлари асосида, сифонли сув кўтаргичнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилди ва ҳисоблаш методи такомиллаштирилди. Лабораторияда ўтказилган тажрибалар асосида напор характеристикаси қурилди. Олинган маълумотларни статистик таҳлили асосида (корреляция коэффициенти 0,93 га тенг) сарф ва напор орасидаги боғланишнинг математик ифодаси берилди ва сифонли сув кўтаргичнинг янги конструкцияси яратилди. Ишлаб чиқилган қурилмага суғорма деҳқончиликда фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигини патенти олинди (Патент UZ FAP 00733).

5. Нов ариқлардан сув олиш тизимини такомиллаштириш, сувнинг беҳуда исрофини камайтириш, олинаётган сувнинг аниқ ҳисоб-китобини олиб бориш мақсадида сифон қувурнинг янги конструкцияси яратилди ва ҳисоблаш методи такомиллаштирилди. Олиб борилган тадқиқотлар асосида кўчма сифон сув ўлчагич учун интеллектуал мулк агентлигининг патенти (Патент UZ FAP 01218)

олинди. Натижада сув исрофини камайтиришга ва сув миқдорини юқори аниқликда баҳолашга имкон яратилди.

6. Тавсия этилаётган паст босимли сув кўтаргичларнинг амалиётда қўллаш сарфланадиган энергияни 15-25% га камайтириш ва сув кўтариш қурилмаларининг иш унумини 10-15% га ошириш имконини беради. Тадқиқот натижаларининг алоҳида қисмлари амалиётда фойдаланишга топширилди. Иқтисодий самарадорлик 27 млн.сўмни ташкил этади. Натижада фермер хўжаликлари, хусусий томорқалар ва дала ҳовлиларини ресурс тежамкор сув кўтариш қурилмалари билан таъминлаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

АБДУРАИМОВА ДИЛБАР АЙБЕКОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ РАСЧЕТА
РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩИХ ВОДОПОДЪЕМНИКОВ В ОРОШАЕМОМ
ЗЕМЛЕДЕЛИИ**

06.01.02–Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.3.PhD/T845

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (ТИИИМСХ).

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tiame.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Мирзажанов Қирғизбой

доктор сельскохозяйственных наук,
профессор, академик

Официальные оппоненты:

Рахимов Шавкат Хударгенович

доктор технических наук, профессор

Шеров Анвар Фуломович

доктор технических наук, доцент

Ведущая организация:

”UzGIP” МЧЖ

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в _____ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязова, 39, тел. (+99871)-237-22-09, факс: 237-54-79, e-mail: admin@tiame.uz.

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер ____). Адрес 100000, г.Ташкент, Кары Ниязова, 39, тел. (+99871)-237-19-45.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(протокол рассылки № ____ от «___» _____ 2018г.)

Т.З.Султанов

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., доцент

А.А.Янгиев

Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., доцент

А.Т.Салохиддинов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мире большое внимание уделяется применению в орошаемом земледелии ресурсосберегающей технологии. В этой связи, в сельском хозяйстве, для рационального использования водных ресурсов одним из важнейших задач является усовершенствование расчета устройств подачи и подъема воды. В этом направлении в развитых государствах, в том числе в США, Канаде, России, Германии, Индии, Китае и в других государствах особое внимание уделяется ресурсосберегающей технике и технологии в сельском и водном хозяйствах. В настоящее время на основе проводимых водохозяйственных реформ в сельском хозяйстве особое внимание уделяется целенаправленному и оптимальному применению водных ресурсов на основе внедрения рыночных механизмов и принципов, своевременному и непрерывному обеспечению водопотребителей водой с применением передовой технологии, разработке научных основ ресурсосберегающей мини технологии и техники.

В мире в орошаемом земледелии особое значение имеет проведение научно-исследовательских работ, направленных на усовершенствование водосберегающих технологии и средств измерения, эффективное использование водных ресурсов, разработку конструктивных параметров и методов расчёта ресурсосберегающих водоподъемных установок. В этой связи, большое значение имеет разработка новых конструкций, в том числе, усовершенствование устройств подачи воды, методов расчёта водоподъёмников. Вместе с этим, подача воды на орошаемые поля, усовершенствование конструктивных параметров современных энергосберегающих водоподъёмных устройств, улучшение водозабора из оросительных систем и обеспечение экономного расходования воды, разработка методов расчёта техники и технологии подачи и подъёма является актуальной.

В республике в областях сельского и водного хозяйства ведутся обширные мероприятия в орошении земель, по рациональному использованию ресурсосберегающих установок подачи и подъёма воды, повышению эффективности работы техники и технологии подачи воды на орошаемые поля фермерских хозяйств. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. поставлены задачи, в том числе «...сокращение энергоёмкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов»¹. В осуществлении данных задач важное значение имеет разработка методов использования ресурсосберегающих установок подачи и подъёма воды, энергосбережение на основе усовершенствования технологии использования энергии потока в

¹Постановление Президента Республики Узбекистан ПФ -4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

подаче и подъёме воды, обеспечение водой отраслей.

Данное диссертационное исследование, в определенной степени, служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 27 ноября 2017 года УП-3405 «О Государственной программе развития ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель на период 2018-2019 годы», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 2 февраля 2018 года «О неотложных мерах, направленных на гарантийное обеспечение водой посевных площадей в 2018 г. и предупреждения отрицательных последствий дефицита воды», от 25 сентября 2017 года ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

